

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ БУХОРО ФИЛИАЛИ
“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси**

Ҳимояга қўйилсин:

“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси

_____ **мудири .в.б. С.Асатов**

“ ____ ” _____ 2014й

Бакалавр даражасини олиш учун

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

**Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми
ва шартномавий муносабатлардаги иштироки мавзусида**

БМИни бажарувчи:

М.Б.Рўзиева

Раҳбар

катта ўқитувчи Ҳамидов Ф.Р.

Бухоро– 2014

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	варақлар
1	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	
2	Битирув малакавий иши дастури	
3	Кириш	
4	1-БОБ. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини шаклларидаги вужудга келиши.	
5	2-БОБ. Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва шартномавий муносабатлардаги иштироки	
6	3-БОБ. Фермер хўжалиklarини мақбуллаштиришда ер ресурсларини бошқариш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари.	
7	Хулоса	
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9	Иловалар	

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти
Бухоро филиали
Гидромелиорация факултети
Ер тузиш ва ер кадастри кафедраси

Тасдиқлайман: _____
Кафедра мудири _____
“ ” _____ 2014 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба **Рўзиева Муниса Баҳодировна**

1. Битирув ишининг мавзуси : *Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва шартномавий муносабатлардаги иштироки .*

Филиал бўйича 2013 йил « 19 » 12 даги 325 А/Ф- сон буйруқ билан тасдиқланган. 30 октябр 2013 й 2 сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати «01» 06 2014 йил .

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар .

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар.

4. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1. Кириш. 2. I боб. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини шакллариининг вужудга келиши. 3 II боб. Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва шартномавий муносабатлардаги иштироки 4. III боб. Фермер хўжаликларини мақбуллаштиришида ер ресурсларини бошқариш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишининг иқтисодий жиҳатлари. .5. Хулоса.

6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

5. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо. Сана	
			Топширик берилди	Топширик бажарилди
1	2	3	4	5
1	Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари	Жўраева С.		

6. Битирув ишини бажариш режаси.

Т.	Битирув иши босқичларининг	Бажариш муддати	Текширув
----	----------------------------	-----------------	----------

р	НОМИ			дан ўтганлик муддати
		сана	%	
1	Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш	20.12.2013й	7,4	
2	I боб. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини шакллариинг вужудга келиши.	14.01.2014й	16,7	
3	1.1.Ер ислоҳати. 1.2. Бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини янада такомиллаштириш.	20.01.2014й	29,7	
4	II боб. Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва шартномавий муносабатлардаги иштироки	3.02.2014й	49,7	
5	Шартномавий муносабатлар.	24.02.2014й	73,8	
6	III боб. Фермер хўжаликларини мақбуллаштиришда ер ресурсларини бошқариш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари.	3.03.2014й	83,1	
7	Меҳнатни муҳофаза қилиш Хулоса	25.05.2014й	94.3	
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.	30.05.2014й	98.0	
9	БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.	01.06.2014й	100	

Битирув иши раҳбари.

катта ўқитувчи Ф.Р.Ҳамидов

Топшириқни бажаришга олдим

М.Б.Рўзиева

Топшириқ берилган вақти

« _____ » _____ **2014 йил**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИИРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ЯНГИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

**Гидромелиорация факультети
“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси**

Тасдиқлайман: _____

кафедра мудири .в.б.

« ____ » _____ 2014 йил

**Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми
ва шартномавий муносабатлардаги иштироки мавзусида
базариладиган
битирув малакавий ишининг
ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи:

М.Б.Рўзиева.

БМИ раҳбари

катта ўқитувчи Ф.Р.Ҳамидов.

Бухоро -2014

Кириш

I боб. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини шаклларидаги вужудга келиши.

1.1. Ер ислоҳати.

1.2. Бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини янада такомиллаштириш

II боб. Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва шартномавий муносабатлардаги иштироки.

2.1. Фермер хўжалигини ташкил этиш.

2.2. Фермер хўжалиги ҳуқуқлари ва шартномавий муносабатлар.

2.3. Фермер хўжаликларини мажбуриятлари.

III боб. Фермер хўжаликларини мақбуллаштиришда ер ресурсларини бошқариш ва ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари.

3.1. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатлари.

3.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар

Кириш

Ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

2013-йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000-йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000-йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013-йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор. Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини раёнлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ

таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000-йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1-марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2-марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013-йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи рол ўйнади. Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжалиқларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг

муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир.

2008-йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ер тузиш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

-топография, геодезия, хариташунослик, геоботаника, тупроқ ва бошқа

ер тузиш учун зарур изланишларни ўтказиш;

- республикаимизда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмасини, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва туманлар ер тузиш чизмаларини ишлаш;

- ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш лойиҳаларини тузиш;

- янги хўжаликларни ташкил қилиш ва мавжуд хўжаликларнинг ер майдонлари жойлашувидаги камчиликларни тугатиш, хўжаликларга ер майдонларини ажратиш лойиҳаларини тузиш;

- хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;

- табиатни муҳофаза қилишда аҳамияти катта бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилганишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш масканлари ва қўриқхоналар ташкил қилиш ва бошқ.

Ер тузиш ишлари халқ хўжалиги тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, янги ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Республикамиз ерларининг 48,31% қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилганлиги сабабли, бошқа тармоқ корхоналари, давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун ерлар кўп вазиятларда қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан ажратилади. Бу ишлар Ўзбекистон республикасининг ер тўғрисидаги қонунларига, махсус қарор ва фармойишларига асосан олиб борилади. Ерлар қишлоқ хўжалигида асосий субъект бўлган фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага фойдаланиш учун берилса қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланишга берилади.

I БОБ. Ўзбекистонда ер ислохотининг назарий асослари

1.1. Ер ислохоти

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин, бозор иқтисодиётига ўтиш ва у билан боғлиқ мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ер муносабатларининг кескин ўзгаришига олиб келди. Бу даврда бозор иқтисодиёти шароитида самарали фаолият кўрсатадиган янги турдаги ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар ташкил этила бошлади. Зарар билан ишлаётган давлат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида ширкат ва жамоа хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Республикамизда ер ислохоти бошланди. Бу эса ўз навбатида катта ҳажмдаги ер тузиш ишларини бажариш заруратини келтириб чиқарди. Янги турдаги хўжаликларнинг пайдо бўлиши ер тузишни лойиҳалашнинг мазмуни кенгайишига, усулларининг ўзгаришига ва такомиллашишига олиб келди.

Ўзбекистонда ер ислохотининг ҳуқуқий асосини «Ер тўғрисида» ги (1990 й), «Ижара тўғрисида» ги (1991 й.), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги (1992 й.), «Ер кодекси» (1998 й.), «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги (1998 й.), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги (1998 й.), «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» ги (1998 й.) қонунлар яратди.

Давлатимизнинг ер бўйича сиёсатини амалга оширишнинг иқтисодий чораси сифатида «Ер солиғи тўғрисида» (1993 й.) қонун қабул қилинди. Юқорида келтирилган ерларни қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ қонунлар янги турдаги, катта ҳажмдаги ер тузиш ишларини тақозо этади. Бу ишлар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

махсус ер фондларини ташкил этиш;

деҳқон хўжаликларига томорқа ерлари, шаҳарликларга жамоа боғлари ва полизчилиги, дала ҳовлилари учун ер ажратиш;

қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари-да ер тузиш ишларини ўтказиш;

ерга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни бериш;

махсус фойдаланиш тартибига ва шартларига эга ҳудудлар чегараларини белгилаш (маъмурий-ҳудудий ташкилотлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация, тарихий-маданий мақсадлар учун, кўриқхона ерлари ва бошқ.);

ердан фойдаланишда сервитутларни белгилаш ва сервитутларга амал қилинадиган ерларнинг жойлардаги чегараларни белгилаш.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида ташкилий-таркибий ўзгаришлар амалга оширилиб, бошқарув тизими ва тамойиллари янгиланди. Совхозлар тугатилиб, улар мулкчиликнинг бошқа шакллариغا ўзгартирилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тизими ўзгариб, ўтган даврдан мерос бўлиб қолган пахта якка ҳокимлигига барҳам берилди. Дон мустақиллигига эришиш асослари яратилди, аввал четдан келтирилган баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва картошка майдонларини кенгайтириш амалга оширилди.

Республика ер фонди яхшиланди ва уни ривожлантиришга, тупроқ унумдорлигини кўтаришга, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Амалга оширилган чора тадбирлар натижасида 1997 йилда жами қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот ҳажмининг 98,4 фоизи нодавлат секторига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалигининг мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётидаги аҳамияти, аграр соҳадаги муаммоларнинг мураккаблиги аграр соҳани ислох қилишни

чуқурлаштириш бўйича дастур ишлаш зарурлигини тақозо этади. Шунинг учун 1998 й. 18 мартда «1998-2000 йиллардаги даврда халқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Дастури» ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур қуйидаги асосий вазифаларни ечишга қаратилган:

1. Қишлоқа мулкчилик муносабатларини, энг аввало хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигида аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши сифатида ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш;

2. Деҳқонларда ерга эгалик хиссини ўйғотиш, деҳқонларнинг ўз меҳнатлари натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқига тўла эга бўлишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида мулквий пайларни жорий этиш асосида мулквий муносабатларни такомиллаштириш;

3. Ҳар хил турдаги товар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг (йирик ва майда товар хўжаликлари) ташкилий-ҳуқуқий шакллари - қишлоқ хўжалик ширкати, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ҳуқуқларини ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш.

4. Деҳқонларга ўз меҳнати ва бутун қишлоқ хўжалик корхонаси фаолиятининг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ошириш. Бунга ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг оилавий (жамоа) пудратига асосланган ички хўжалик тизимини жорий этиш йўли билан, этиштирилган маҳсулотларга ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш ва мулквий пайлар бўйича дивидент тўлаш билан эришилади.

5. Тупроқ эрозиясига қарши кураш ва мелиоратив тадбирларни ўтказиши ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатга асосланган энг замонавий технологиясини жорий этиш ҳисобига деҳқончилик маданиятини, тупроқ унумдорлигини ошириш.

6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини самарали юритишнинг

асосий мезони сифатида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, қорамол ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишни таъминловчи замонавий агротехник қоидалар ва талабларга риоя этиш.

7. Мамалакатимизда пахтачилик, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги тизимини ривожлантириш, маҳаллий тупроқ, иқлим шароитига мос районлаштирилган навларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, чорвачиликда наслчиликни яхшилаш.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги 539-сонли «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори асосида суғориладиган ерлар тупроқ карталарини коррективроқлаш, бонитировка ишларини бажариш ва ерларнинг қийматини баҳолаш ишлари тугалланди.

1998 йилдан бошлаб зарар билан ишлаётган ва санацияга тортиш кўзда тутилган хўжаликларда ерларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг сифат даражаларини аниқлаш ишлари бажарилади. Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида зарар билан ишлаётган, тугатиладиган қишлоқ хўжалик корхоналари ерларини фермер хўжаликларига бўлиб бериш таклифлари ишлаб чиқилди, бу ерларда ташкил қилинадиган фермер ва деҳқон хўжаликлари учун ҳужжатлар мажмуаси тайёрланди. Жумладан, шунга ўхшаш ишлар фермер хўжаликларига айлантирилган 52 та қишлоқ хўжалик корхоналарида амалга оширилади. Ҳозирги кунда мавжуд фермер хўжаликлари керакли ер кадастри ҳужжатлари билан таъминланган.

Ҳозирги кунгача 1873 та ширкат хўжалигига айлантирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ерлари бирма-бир йўқламадан ўтказилиб, далалар (контурлар) бўйича суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳоси аниқланиб чиқилди, тупроқ хариталарига ўзгаришлар киритилди. Уларнинг барчасига ер кадастри ҳужжатлари тўплами берилди.

2000 йилнинг 1 июлигача Республика бўйича тузилган 40000 га яқин фермер хўжаликларига жойлардаги туман ер ресурслари хизмати томонидан «Ерни ижарага бериш шартномалари» билан биргаликда «Ер ажратиш ҳужжатлари» расмийлаштирилиб берилди.

Мавжуд ширкат ва фермер хўжаликларининг ерга эгалик қилишлари ва ерни ижарага олганликлари давлат рўйхати-дан ўтказилиб, уларга гувоҳномалар берилди.

Ер ислоҳоти даврида ўтказилган ерларни қайта тақсимлаш ва корхоналарни қайта тузиш ишлари олдин ишланган ер тузиш лойиҳалари ва чизмаларининг бузилишига олиб келади. Натижада бу лойиҳалар ва чизмаларни ўзгарган шароитлар ва талаблар асосида қайта тузиш зарурати туғилмоқда.

1.2.Бозор иқтисодиёти шароитида ер муносабатларини янада такомиллаштириш.

Халқ хўжалиги тизимида мавжуд бўлган ишлаб чиқариш муносабатлари ичида бозор иқтисодёти шароитида ер муносабатлари ҳам ўзига хос муҳим аҳамият касб қилади. Бироқ, шу нарса равшанки, ерларни қайта тақсимлаш ва деҳқон хўжаликларига ерларни ажратиб беришнинг ўзи самарадорликни ошириш муаммосини тўла ҳал қилмайди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ичидаги мулкчилик муносабатларини ўзгартирмасдан, хўжалик юриштишнинг турли шакллари фаолиятини таъминлайдиган иқтисодий ва технологик инфратузилмани яратмасдан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат кўмагини бермай туриб аграр секторда ижобий натижаларга эришиш мушкул. Шу нуқтаи назардан, 1990-йилларнинг ўрталарига келиб ер муносабатларида чуқур ўзгаришлар вужудга кела бошлади. Натижада 1200 дан ортиқ совхоз ва давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари жамоа хўжаликларига, кооперативларга ва бошқа нодавлат тузилмаларига айлантирилди, 1350 та

корамол фермаси тўловларни ўн йил муддатда тўлаш шarti билан меҳнат жамоалари мулки қилиб берилди. 300 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари ташкил этилди.

Ҳал қилувчи масала - ерга эгалик ҳуқуқи. 1990 йилда, социалистик мулк ғояси ҳукмронлиги даврида республикада деҳқонларга ташкилий равишда ер участкалари ажратиб бериш бошланди. “Шахсий ёрдамчи хўжалик” (томорқа) ни юритиш учун ҳар бир оилага 0,25 га гача ер ажратилди. Амалда эса булар хусусий қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар эди, 1990-1993 йилларда деҳқонларга 300 минг гектардан ошиқ ер бўлиб берилди. 1994 йилда савдо объектлари сотила бошлади. Республика Президентининг “Ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш туғрисида” ги фармонида 0,04 га ерни якка тартибдаги қурилиш учун ва 0,06 га ерни шахсий томорқа учун сотиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Қорақолпоғистонда фойдаланилмай ётган ерлардан суғориш тармоқлари бор жойларда 5,0 га гача ерни сотиш режалаштирилди. Бу тадбирлар - бозор иқтисодиётига мос келувчи ер муносабатларини вужудга келтириш имконини беради.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни янада самарали қилиб ўтказиш учун ер банкларини тузиш лозим бўлди. Шу мақсадда Ўзбекистонда “Замин” давлат-акциядорлик ипотека банки тузилди. “Замин” ўз акциялари учун энг юқори фойда олишга интилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий усуллар билан ривожлантириш самарадорлигини ошириш муоммоларини ҳал қилиши лозим.

2. Бизга маълумки, Ўзбекистон ўз мустақил йўлини танлаб олгач, республика иқтисодиётини ривожлантириш ва шу билан биргаликда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида иқтисодий ислоҳатни амалга ошириш зарурати туғилди. Шунинг учун, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қишлоқ хўжалиги

хамда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларнинг республикаимиз хозирги иқтисодиётида тутаётган ўрни сабаб бўлди. Бутун аграр ислоқатнинг муҳим масаласи-негизи-ер ислоқати, ерга мулкчилик масаласидир. Ер - ўлкаимизнинг энг асосий бойлиги. У едиради, ичиради, яшаш учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради. Шу сабабли республиканинг келажаги, Ўзбекистон халқининг келажаги кўп жикатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қандай ташкил этилишга боғлиқ бўлади. Шу ўринда "ер ислоқати" нима ўзи? деган ҳақли бир савол туғилади.

Ер ислоқати - бу жамиятдаги ер мулкчилиги турларининг ўзгаришини, ерни бир эгасидан ёки фойдаланувчидан олиб бошқасига беришни ва ўзгараётган ер қонунларига мос равишда ҳудудни ташкил қилиш турларини ўзгартиришни талаб қиладиган ер муносабатларига ўтишни, ҳамда ер тузумининг ўзгаришини қонуний расмийлаштиришдан иборат бўлган тадбир ҳисобланади.

Ер ислоқати бошлангунга қадар Ўзбекистонда мавжуд ер тузуми асосан қуйидаги хусусиятларга эга эди. Давлат ернинг ягона ва мутлоқ эгаси бўлиб, ер фақат фойдаланиш ҳуқуқи билан корхона, ташкилот, муассаса ва фуқороларга берилар ва ажратилган ер майдони катта бўлса, у фақат олий давлат идораси (вазирлар кенгаши) қарори билан ажратилар эди. Ердан фойдаланиш бепул бўлиб, фуқароларга ер фақат шахсий томорқа сифатида, жамоатчилик асосида эса боғдорчилик ва сабзаётчилик учун ажратилар эди.

Ердан фойдаланувчиларга ундан самарали фойдаланиш мажбурияти юклатилган эди. Аммо бу ер тузуми қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ердан самарали фойдаланишни ва озиқ-овқат муаммосини муваффақиятли ҳал этишни таъминлай олмади. Дехқон хўжаликларини ривожлантиришнинг имконияти йўқ эди. Давлатнинг ерга бўлган мутлоқ эгалиги бозор муносабатларига зид келар

эди. Шу сабабли, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш бўлди.

Ўзбекистонда ер ислоҳатини ўтказишдан мақсад ерда хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган барча турлари тенг ривожланиши учун шароит яратиш, мамлакатимизда янги демократик ер тузумини бунёд этиш, ер ислоҳатини амалга ошириш учун ҳудудий шароит яратиш, ер тўғрисидаги янги қонун ва қарорларни амалга ошириш мақсадида ерни қайта тақсимлашдир.

Ўзбекистонда ер ислоҳатларини амалга оширишнинг дастлабки босқичида қўлга киритилган яна бир муҳим натижа шахсий томорқаларни кенгайтириш, янги суғориладиган ерларни шахсий хўжаликлар ва боғ-дала ҳовли участкаларига ажратиб бериш йўли билан ақолини амалда ер билан таъминлашдан иборат бўлди.

Шу билан биргаликда ер ислоҳатини ўтказиш натижасида Ўзбекистонда янги ер тузуми яратилди. Унда янги, олдин бўлмаган ер муносабатлари ва ер мулкчилиги, ер эгалликлари ва ердан фойдаланиш турлари мавжуд.

Ўзбекистоннинг ҳозирги ер тузуми қуйидаги хусусиятларга эга:

- ер ўша ҳудудда яшайдиган халқнинг бойлигидир;
- фуқоролар ер олиш ҳуқуқига эгадирлар;
- ер мулкчилиги турларининг ҳар хиллиги ва тенглиги;
- ерда хўжалик юритишнинг ҳамма турлари тенг ривожланиши; кишлоқ хўжалиги учун ердан фойдаланишнинг устиворлиги;
- давлатнинг ерга мутлоқ эгаллигининг бекор қилиниши;
- ерни бериш ва олиш вазифаси давлат маҳаллий идоралари томонидан амалга оширилиши;
- ерга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш учун тўловлар ер солиғи ва ижара ҳақи кўринишидаги тўловлар ёрдамида амалга оширилиши;

- ер мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачилар қонун билан ҳимояланиши ва кафолатланиши;

- ердан самарали фойдаланилиши ва у ҳар қандай салбий оқибатлардан муҳофаза қилиниши керак;

- ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўз ҳудудларидаги қишлоқ хўжалик экинларига, дарахтларга, бино ва иншоотларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга;

- ер ислоҳатини амалга ошириш давлат ер тузиш хизмати зиммасига юкланган.

3. Эътироф этиш жоизки, республикамиз халқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳатлар кўламини ошириш, жумладан қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳатларни чуқурлаштириш, уни самарали ниҳоясига етказишда ер майдонларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини тубдан ошириш сўзсиз муҳим аҳамият касб қилади. Бу эса биринчи галда, ер муносабаларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайдиган қонунларни яратиш, уни қабул қилиш ҳамда халқ хўжалиги тармоқларида ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўладиган барча масалаларни ечишда ушбу қонунларга амал қилишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, 1998 йил 28 апрелда республика Олий Мажлисининг навбатдаги сессиясида “Ер кодекси” қабул қилинди. Унинг таркиби 14 боб, 91 моддадан иборат бўлгани ҳолда асосий вазифалари қуйидагилардир:

- ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш;

- хўжалик юриштининг барча шаклларининг тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожланишига тўлиқ шароит яратиш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни таъминлаш;

- ер муносабатларини замон талаби даражасида тартибга солиш.

“Ер кодекси” нинг 1-бобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг, вилоятлар, Тошкент шақар ҳокимияти, туманлар ва шақарлар ҳокимиятларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари келтирилган. Кейинги бўлими “Ер фонди” га, жумладан, ер фонди тоифалари, ер участкаси масалаларига қаратилган. Ердан фойдаланишни ташкил этиш бўйича асосий давлат тадбири ҳисобланган ер тузиш, ер мониторинги ва давлат ер кадастри масалалари Кодекснинг навбатдаги қисмида ёритилган. 4-боб асосан ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқларининг вужудга келиши, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, эгалик ҳамда уларни доимий ва муддатли фойдаланиш учун бериш, ер ижараси, ер учун ҳақ тўлаш, ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут), ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, бундай ҳуқуқларнинг бекор қилиниши, ер участкалари олиб қўйиш масалалари қайд қилинган. Ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кейинги бобда ёритилган. Навбатдаги 5 та бобда республика ягона ер фондининг тоифалари бўйича ҳуқуқий муносабатлар акс эттирилган. Ерларни муҳофаза қилиш, ерлардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишнинг вазифалари учун 11 ва 12 боблар ажратилган. 13 - бобда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш масалалари ёритилган. Охириги, 14-бобда эса ер хусусидаги низоларни ҳал қилиш ҳамда ер туғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўзларининг ҳуқуқий ечимини топган.

II БОБ.

Фермер хўжаликлари фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва шартномавий муносабатлардаги иштироки .

2.1.ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шугулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалигининг бошлиги шу хўжаликнинг муассиси - фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин.

Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиги иш кўради.

Фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги сугориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги сугориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, сугорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва галлачилик учун камида 10 гектарни, богдорчилик,

узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик хосил хисобида) ернинг кадастр бахосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустахкамлаб қўйилади.

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиги томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишлича алохида мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиги белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб хисобланади. Фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида хисоб-китоб varaги ва бошқа хил хисобварақлар очишга, ўз номи ёзилган мухрга эга бўлишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ташкил этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги устав асосида фаолият кўрсатади.

Фермер хўжалигининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фермер хўжалигининг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

фермер хўжалигининг номи;

фермер хўжалиги бошлигининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

фермер хўжалигининг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;

фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари;

устав фондининг миқдори.

Фермер хўжалигининг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари:

захира ерлардан;

юрдик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан;

қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади.

Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилган ер участкалари уларнинг балансидан чиқарилади.

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлири, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув хавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб беш юз метрли минтақада фаолияти хайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа хайвонларни, балиқлар, асалариларни, хайвонот боглари ҳамда виварийларнинг хайвонларини ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиш билан боғлиқ бўлган чорвачилик, паррандачилик ҳамда бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тақиқланади.

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ўтказган танлов яқунларига кўра туман хокимининг қарорига асосан берилади.

Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус ташкил этилган комиссия ўтказган танлов яқунларига кўра туман хокимининг қарорига асосан берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари мазкур кооперативнинг (ширкат

хўжалигининг) ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг аъзоларига (ходимларига) фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йигилиши томонидан, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи томонидан ўтказилган танлов якунларига кўра туман хокимининг қарорига асосан берилиши мумкин.

Туман хокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят хокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йигилиши ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи фермер хўжаликларига берилиши лозим бўлган ер участкаларини ижарачини аниқламаган ҳолда белгилаши мумкин. Бундай ҳолда фермер хўжалигига ер участкаси ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда берилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиги ва туман хокими томонидан имзоланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йигилишининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилоти ваколатли органининг ҳамда туман хокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлари устидан, шунингдек ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясининг туман хокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг томорқа ер участкаси сақланиб қолади.

Фермер хўжалигининг ер участкаси чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжалиklarининг) таркибидан чиқиш ва фермер хўжалигини мустақил юритиш истагини билдирган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулк пай қийматини ҳамда даромаддан (фойдадан) улуш олишга ҳақли, улушнинг миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнатдаги иштироки инобатга олинган ҳолда аниқланади. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгиланган тартибда ижарага олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкасининг ижарага берилиши қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгаллик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдек олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилган тақдирда, агар ер участкасининг бўлиниши натижасида янги ташкил топган ер участкаларининг ўлчами ушбу Қонуннинг 5-

моддасида назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса, бўлиниши мумкин.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжалиги бошлиги вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг бошлиги вафот этган тақдирда, ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига унинг меросхўри эга бўлади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

Фермер хўжалигига берилган ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара ҳақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, ернинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ягона ер солиги ставкаси миқдорида ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

Фермер хўжалиги тегишли лойихада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб бўлинганидан кейин

беш йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона ер солиги тўлашдан озод қилинади.

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

2.2. Фермер хўжалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш;

етиштирган маҳсулотини, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш;

етиштираётган маҳсулоти, бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига нарх белгилаш;

электр энергияси, ёқилги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш;

тадбиркорлик фаолиятидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

олган даромадларини (фойдасини), банк муассасасидаги ўзининг ҳисобварақларида бўлган пул маблағларини тасарруф этиш;

акциялар ва бошқа қимматли қозғалар олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

кредитлар олиш учун ўз мол-мулкни, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш;

кичик ҳамда хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг барча турларидан фойдаланиш;

зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш;

ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш учун судга мурожаат этиш.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.3. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари

Фермер хўжалиги:

ер участкасидан қонун ҳужжатларида ва ижарага олиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаши;

экологик талабларга ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиши;

ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш тадбир-чораларини кўриши, бизнес-режада шу мақсад учун маблағлар ажратилишини назарда тутиши;

агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ер участкаси берилган вақтдан эътиборан бир йил ичида ундан фойдаланишга киришиши;

тузилган контракция шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаши;

ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя этиши;

сув ресурсларидан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиши;

хўжалик ичидаги мелиоратив тармоқни тозалаб ва таъмирлаб туриши; ер участкасини сақлаш шартларига ва сервитутларга риоя этиши;

ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши;

солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда агротехника талабларига риоя этиши;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Фермер хўжалиги зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

2.4. Фермер хўжалигининг устав фонди

Фермер хўжалигининг устав фонди фермер хўжалиги бошлиги томонидан белгиланади.

Пул, қимматли қогозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулк хуқуқлар фермер хўжалигининг устав фондига қўшиладиган хисса бўлиши мумкин.

Агар фермер хўжалигининг устав фонди шакллантирилаётганда фермер хўжалигининг бошлиги ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Фермер хўжалигининг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш фермер хўжалиги бошлигининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи

Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат химоясидадир.

Бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштирган маҳсулотига, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фермер хўжалигига қарашлидир.

Фермер хўжалиги бошлигининг пул ва моддий маблағлари, товарларни реализация қилишдан (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар (фойда), қимматли қогозлардан келган даромадлар, қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

2.6. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб варагидан маблағларни фақат фермер хўжалиги бошлигининг розилиги билан ёки суднинг қарорига биноан ҳисобдан чиқариш мумкин.

2.7. Фермер хўжалигининг

мол-мулкни мерос қилиб қолдириш

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун давлат божи тўлашдан озод этиладилар.

2.8. Фермер хўжалигининг

ишлаб чиқариш фаолияти

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шугулланишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид нормативлар ва стандартларга, экологияга, санитарияга тааллуқли ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг гайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг гайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фермер хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширади.

2.9. Фермер хўжалигидаги меҳнат

Фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигидаги иш тартиби хўжалик бошлиги томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнат фаолияти ҳисобини олиб бориш хўжалик бошлиги томонидан ташкил этилади.

Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра пул ҳамда натура тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Фермер хўжалигининг бошлиги ва ходимлари давлат ижтимоий сугуртасидан ўтказилади. Уларга давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади.

2.10. Маҳсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда тарафлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотнинг экспортга етказиб берилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.11. Фермер хўжаликларининг

биргаликдаги фаолияти

Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши, махсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслахат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириши мумкин.

2.12. Фермер хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш ахамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун узоқ муддатли кредитлаш ҳамда унинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятини қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалигини имтиёзли кредитлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги ўзига қаршли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорларининг, кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирган махсулотининг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида сугурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида сугурта товони (сугурта суммаси) олади.

2.13. Фермер хўжалигига солиқ солиш

Қонун ҳужжатларига мувофиқ фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йигимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди.

Фермер хўжалигининг фойдаси солиқлар, йигимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин фермер хўжалиги бошлигининг тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди.

2.14. Фермер хўжалиги фаолиятининг

натижаларини ҳисобга олиш

Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

2.15. Фермер хўжаликларини давлат йўли

билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш

Давлат фермер хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари шарт.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида мазкур ҳудудни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуришни, сув билан таъминлашни, газлаштиришни, телефонлаштиришни, радиоллаштиришни, ер тузишни, ерларни мелиорациялашни) амалга оширадилар;

ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатадилар;

қишлоқ хўжалик экинларининг навли уруғлик ҳамда кўчатлари, органик ва минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарарқунандалардан, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати

кўрсатиш тизими орқали хизматлар, шунингдек техникавий хизмат кўрсатадилар;

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналар ва инвентарларни лизинг асосида сотиб олишга кўмаклашадилар;

зотдор чорва моллар ва паррандалар, шунингдек омихта ем сотиб олишда кўмаклашадилар;

фермер хўжаликларининг чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиб берадилар;

фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашадилар;

ноқишлоқ хўжалик йўналишидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этаётган фермерларни рағбатлантирадилар;

консалтинг, ахборот йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатадилар.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўллаб-қувватлашнинг бошқа шакллари фермер хўжаликларига ҳам татбиқ этилади.

2.16. Фермер хўжалиги

фаолиятини текшириш чекланганлиги

Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш (молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно), давлат эхтиёжлари учун махсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиги ўз вақтида тўланмаган холларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас. (ЎзР 23.03.2006 й. ЎРҚ-26-сон Қонуни тахриридаги модда матни), (Олдинги тахририга қаранг)

2.17. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.18. Фермер хўжалигини тугатиш асослари

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;

фермер хўжалигининг бошлиги вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.

33-модда. Фермер хўжалигини тугатиш тартиби

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги бошлигининг қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.19. Низоларни ҳал этиш

Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

2.20. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг бошлиги фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган фермер хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади.

2.21. Фермер хўжалиги тўғрисидаги

қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

2.22. Ер участкаларига бўлган

ҳуқуқларнинг бекор қилиниши

Бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

- 1) ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда;
- 2) ер участкаси берилган муддат тугаганда;
- 3) юридик шахс тугатилганда;
- 4) ерларни ижарага олиш шартномаси бекор қилинганда ёки бекор бўлганда;
- 5) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса;
- 6) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида;
- 7) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;
- 8) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда;
- 9) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиги, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда;

10) қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида;

11) мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, - гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади;

12) ер участкаси ушбу Кодекда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилинади: (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги хатбоши)

1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга сотилганда;

2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда қайта сотиб олинганда;

3) қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва бошқа иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари билан бирга мусодара этилганда.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-11-бандларида кўрсатилган ҳолларда ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ердан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг тақдимномасига мувофиқ ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларга асосан тегишинча туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ҳокимларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади. Ер участкаларига эгалик қилиш ҳуқуқини, ер участкаларидан доимий ёки вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳамда мазкур мансабдор шахсларнинг қарорларидан норози бўлган юридик ва жисмоний шахслар ушбу қарорлар устидан судга шикоят қилишлари мумкин. Ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқини ёки ер участкасидан доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. (ЎзР 30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (Олдинги таҳририга қаранг)

Ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 6-10, 12-бандларида назарда тутилган ҳолларда ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини тугатиш ушбу Кодекснинг 24-моддасида назарда тутилган тартибда ер участкасининг ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан амалга оширилади. (ЎзР

30.08.2003 й. 535-II-сон Қонуни тахриридаги қисм), (Олдинги тахририга қаранг)

Ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишидан яққол далолат берувчи хатти-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тариқасида ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайтдан ёки эгасиз мол-мулк тариқасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи билан бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

**3-боб. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ
МАҚБУЛЛАШТИРИШДА ЕР РЕСУСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА ЕР
РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ЖИХАТЛАРИ**

**3.1. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий
жихатлари.**

Републикамиз аграр соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг туб моҳияти ер, сув, моддий ва менхнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш звазига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда бу жараёнда сарфланадиган харажатларни камайтиришдан иборат. Шундай экан, қишлоқ хўжалигида асосий таянч ҳисобланган фермер хўжалиklarини иқтисодий ривожланишини таъминлаш, улар тассаруфидаги ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш амаллий нуқтаи назардан жуда муҳим.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган ислоҳотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари - фермер ва деҳқон хўжалиklarини бошқариш тизимини яратиш ва фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинаётган ишлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ўзгариши ҳисобига ҳалқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган суғориладиган ерларга бўлган эътибор кучаймоқда ҳамда шу билан моддий манфаатдорликка эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги тубдан ўзгарди. Фермер хўжалиklари, ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва

самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор - ер эгаси пайдо бўлди.


Сўнги йилларда фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан самарали фойдаланиш, изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, фермерлар фаолиятини самарадорлиги оширилишининг муҳим омили бўлди. Таҳлил шуни кўрсатдики, барқарор фермер хўжалиklarини шакллантириш, уларнинг шахсий айланма пул маблағларини сезиларли даражада ошириш, ерлар, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиқ техникаси ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек меҳнатни янада аниқ ташкил этиш имкони яратилиб, фермер хўжалиklarининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Фермер хўжалиklarининг тасарруфидаги ер участкаларидан фойдаланиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан улар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, фермерларни, ернинг ҳаққоний эгалари сифатида холис ва ошкора танлаб олиш, шу асосда ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида ҳосилдорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, хўжалиklarнинг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ўсишини яхшилаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган фермер хўжалиklarининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ер майдонларини мақбул ҳажмларига келтириш бўйича жойлардаги ишчи гуруҳлар билан ишлар олиб борилиб, фермер хўжалиklари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) ишлари яқунланди.


2012 йил 1 январ ҳолатига кўра, фермер хўжалиklarнинг умумий сони 70096 тани, шу жумладан ихтисослиги: пахта-ғаллачилик йўналишида 37861 та, чорвачилик йўналишида 5482 та, боғдорчилик ва

узумчилик йўналишида 17656 та, сабзаётчилик-полизчилик йўналишида 3592 та ҳамда бошқа йўналишда 5505 та ни ташкил қилди. Республикамизда 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 5916,9 минг гектарни, шу жумладан экин ерлар 3569,4 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 284,6 минг гектар, бўз ерлар 33,7 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 1357,2 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 672,1 минг гектарни ташкил қилди.

Сони, та



1-расм. Республика вилоятларидаги фермер хўжалиklarининг сонини ўзгарishi.



.2- расм.Республика вилоятларидаги фермер хўжаликларининг ихтисослиги бўйича тақсимланиши (% ҳисобида)

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида 2012 йил Миллий ҳисоботи маълумотларга назар ташласак 2008 йилда республикада фермер хўжаликларини сони 215 776 тани ташкил қилган. Бу, маҳсулот етиштириш учун сафланаётган харажатларнинг ошиб, олинаётган соф даромадни эса, аксинча камайиб кетишига олиб келган .

Ер майдонларнинг кичиклиги, иккинчи томондан фермер хўжаликлари тасаруфида маҳсулотлар етиштириш учун зарур бўладиган машина механизмлар мажмуасини шакллантиришга, алмашлаб экишни тўла жорий этишга имкон бермаган.

Махсус адабиётлар билан танишиш, ривожланаётган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш шуни кўсатадики, нисбатан йирик хўжаликларда маҳсулот етиштириш харажатлари майда хўжаликларга қараганда кам ва натижада олинадиган даромад анча юқори. Масалан: АҚШда индивидуал фермерларнинг ўртача ер майдони 140 - 180 гектарни ташкил қилади.

Демак, қилоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун фермер хўжалилари ер майдонларини мақбуллаштириш зарур.

Фермер хўжаликларни мақбуллаштириш қишлоқ хўжалигига дахилдор қатор масалаларни ижобий ҳал қилиш имкониятини беради..Жумладан:

- Хўжаликда оптимал тарздаги машина – механизмлар мажмуасини шакллантириш;**
- қишлоқда саноат корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларни хом ашё етказиб берувчилар билан боғланишига имконият яратиш;**
- ҳар бир фермер хўжалигида тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишга имконият яратиш;**
- банклар ва бошқа ташкилотлар билан ҳисоб – китобларни соддалаштириш ва ҳ.к. лар.**

Таъкидлаш жоизки, фермер хўжаликларни майдонларини мақбуллаштириш жароёни

-- узлуксиз давом этадиган жараёндир. Ҳар йили фермер хўжаликлари турли объектив ёки субъектив сабабларга кўра бирлашиши ёки аксинча, жуда йириклашиб кетганлари бўлиниши ҳам мумкин. Ушбу жараёни тўғри бошқариш ва натижада хўжаликлар солоҳиятини янада юксалтириб бориш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур.

- хўжаликлараро ер тузиш ишлари ўтказилишини мунтазам йўлга қўйиш;**
- фермерларнинг норматив- ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиб боришларини ташкил этиш;**
 - илмий асосланган алмашлаб экишни қатъий йўлга қўйиш;**
 - ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги ишларни амалга ошириш ;**
- қишлоқда маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини ташкил этишни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.**

Маълумотларга қараганда Республикамиз бўйича фермер хўжаликлар тассаруфидаги ерларнинг 72,9 минг гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати ёмонлашган. Бундай майдонлардан фойдаланаётган фермер хўжаликларини аниқлаш, уларга мелиоратив ҳолати ёмонлашган ерларни яхшилаш бўйича амаллий ёрдам кўрсатиш зарур. Бу республика Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ҳам қайд қилинган. Ҳозирги кунда ушбу қарор асосида республикадаги мелиоратив ҳолати ёмон бўлган қишлоқ хўжалиги ерларини тубдан яхшилаш талаб этилмоқда.

Маълумки, собиқ жамоа ва давлат хўжаликларини қайта ташкил этиш ҳамда фермер хўжаликларига айлантириш натижасида илмий асосланган алмашлаб экиш бирмунча издан чиқди, натижада тупроқларнинг унумдорлиги пасайиб кетди.

Олимларнинг маълумотларига қараганда, 3 йил беда ўсган тупроқда гектарига 350-400 кг соф азот ва кўп миқдорда илдиз қолади, пахта ҳосилдорлиги 6.0-8.0 центнерга кўтарилади, сувга эҳтиёж 20.0 фоизга пасаяди, вилт касаллиги кескин камаяди. Шунинг эътиборга олиб фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш муносабати билан яқин 5-6 йил мобайнида ҳар йили бедазорларни сувли ерда 3.0 фоиздан кенгайтириб бориш ва унинг салмоғини 20.0 - 22.0 фоиз атрофида ушлаб туриш зарур.

Тупроқ унумдорлигини сақланиши, тикланиши ва барқарор ошириб борилишини доимий кузатиш учун, албатта еркадастри маълумотларини ҳар 5 – 6 йилда тўла янгилаб бориш, уларга асосланган ҳолда қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш, зарур минерал ўғитлар билан бир қаторда маҳаллий ўғитлар етказиб берилишини йўлга қўйиш керак.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш, ўз навбатида фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, етиштирилаётган маҳсулотлар сифат ва миқдорини кўпайтириш учун замин яратади.

3.2. Меҳнат муҳофаза қилиш масалалари

а) Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

“Хаёт–фаолияти хавфсизлиги” илмий фан бўлиб, хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети фаолият (меҳнат) нинг бир томонидир, ёки айнан хавфлар ва улардан ҳимояланишдир.

Хаёт–фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ишлаб чиқариш ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатидан тайёрлаши, ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўрганишдан иборатдир.

Хавф – хаёт – фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўғридан тўғри ёки билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилиятини кўрсатади, яъни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади.

Хавфсизлик – бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир.

Хавфсизлик бу инсонлар олдига қўйилган мақсаддир. Хаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари дир.

б) Фуқоро муҳофазаси

Ўзбекистон республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги фармонига кўра Республикамиз ҳудудида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларни прогнозлаш ва юз берган ҳолда уларнинг оқибатларини зудлик билан тугатиш ишларини ташкил қилиш учун мустақил давлатлар ҳамкорлиги ичида Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазирлиги биринчилардан бўлиб ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 20 август 1999 йилда қабул қилинган “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, 2000 йил 31 августдага “Фуқоро муҳофазаси тўғрисида”, “Радиациявий

хавфсизлик тўғрисида” ги қонунлар босқичма – босқич қабул қилинди.

Фуқоро муҳофазаси борасида илк бор қабул қилинган ва кучга кирган қонун аҳолини ва ҳудудларини турли хилдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида асосий тушунчалар, ҳукумат ваколатлари, фуқороларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалокатли вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида маълумот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 йилдаги №455 қарорига кўра Республикамиз ҳудудида қуйидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин: техноген вазиятлар, табиий ҳалокатлар, экологик ҳалокатлар.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат.

1. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш.
2. Фавқулодда вазиятлардан кўриладиган талофатларни камайтириш.
3. Фавқулодда вазиятларни енгиллатиш ва шароитни баҳолаш.
4. Фавқулодда вазиятларни тугатишни ташкил этиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишга тайёрлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади:

1. Аҳолининг барча қатламлари (мактаб ўқитувчисидан тортиб қарияларгача, ҳар бир киши) яшаб, ишлаб (ўқиб) турган жойида қандай фавқулодда вазиятлар вужудга келиши мумкинлигини, уларнинг тавсифини, аҳоли ва ҳудудга таъсирини билиши керак.

2. Ҳар бир киши эҳтимоли тутилган ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини билиши керак.

3. Ҳар бир киши юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ва воситаларини билиши ҳамда улардан фойдалана олишлари керак.

4. Ҳар киши (ўзига ўзи ва бир–бирига) биринчи ёрдам беришни билиши ва ёрдам бериши керак.

Фуқоро муҳофазасида муҳандислик –техникавий тадбирлари

меъёрларининг талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади: аҳолини муҳофаза қилиш, тинчлик даврида содир бўладиган фавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш, тинчлик пайтида ва ҳарбий даврда халқ хўжалик объектлари, бирлашмалар, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий офат содир бўлган зоналарда қутқариш ишлари амалга ошириш учун зарур шароит яратиш. Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларида

фуқоро муҳофазаси муҳандислик техникавий тадбирларни лойиҳалаш ушбу меъёрий талабларга ҳамда вазирликлар, идоралар Давлат қўмиталари, Ўздавлатархитектурақурилиш, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблардан бири шуки сув босиши мумкин бўлган ҳудудда жойлаштирмаслик керак.

в) Ёнғин хавфсизлиги

Ёнғин – махсус манбаада бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи назоратсиз ёнишдир.

Ёнғинга қуйидагилар сабаб бўлади: иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин ёки статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (ички ёнув двигателларидан чиқадиган учқунлар, электр қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга уланиб қолиши, электр симларида нагруканинг йўл қўйилмайдиган даражада ортиб кетиши, контактлари ёмон бўлган жойларнинг қизиб

кетиши ва улардан учкун чиқиши. Буғ қозонларининг портлаши); қишлоқ хўжадик маҳсулотларининг ёки ёқилғининг ўз–ўзидан ёниб кетиши.

Ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари: ташкилий (кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналари ёки ёнғиндан муҳофазалаш дружиналари тузиш омма орасида тушунтириш ишлари олиб бориш) техникавий тадбирларга қуйидагилар: ёнғин ёки портлаш жиҳатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жиҳозлар ўрнатиш, носос печлар, машиналар, электр жиҳозлардан, шунингдек осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўриш (объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш, бинолар орасидаги ёнғинга қарши оралиқларга риоя қилиш), ёнаётган бинолардан одамлар, ҳайвонлар ва қимматбаҳо хўжалик буюмларини кўриш (керакли миқдорда эшиклар, зарур кенгликда коридор (йўлак) лар қуриш, уларни тўсиб қўйишни ман этиш), ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кўриш (ёнғинни ўчириш, нарвонлар, ёнғин кузатиш вишкалари, сув хавзалари ва биноларга келиш йўллари қуриш, ёнғин алоқаси ҳамда сигнализациясини ўрнатиш).

г) Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

г) Шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

–жароҳатланиш сабабларини йўқотиш (жароҳатланувчини газлар, захарлар тўлган хонадан олиб чиқиш) электр симини олиш (электр токи урганда; жароҳатланувчининг аҳволини ёмонлашадиган барча нарсаларни йўқотиш (жароҳатланувчи устидан юкни, девор парчаларини олиш, хонадан ёки ёнаётган жойдан олиб чиқиш);

–жароҳатланувчининг умумий аҳволини аниқлаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани

йўқотиш (артериялар кесилганда қон оқишини тўхтатиш, нафас олиш тўхтаб қолган ва юрак фаолияти бузилган бўлса, сунъий нафас олдиришни ёки юракни уқалашни бошлаш ва ҳ.к.);

- агар беморга хавф туғилмайдиган бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;
- хушидан кетганда ташклаб кетмаслик;
- биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимини қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур;
- жароҳатланганни авайлаш.

Тананинг бирор жойи кесилганда ёки суяклари очик синганда артериядан, венадан капиллярлардан қон оқиши мумкин. Оёқ –қўллардан қон оққанда резина боғлам ёки қўлда бор нарсалардан – тасма, газлама парчаси ёки бошқалардан бурама боғлам қўйган яхши.

Қориннинг устки қисми шикастланганда одатдаги боғламни қўйиш мумкин. Қорин бўшлиғининг ичи шикастланганда бемор санитария замбилига чалқанчасига ётқизилади, тиззалари бироз букилади. Очик жароҳатларни усти стерилланган сочиқ билан ёпиб қўйилади.

Агар одам электр токи таъсирига тушиб қолган бўлса уни токли қисмдан ажратиш зарур. Бунда электр қурилмани рубильникдан учириш ёки включательдан узиш, симни қирқиб ташлаш, жабрланувчини кийимидан тортиб токли қисмлардан ажратиш, қуруқ таёқ ёрдамида симни олиб ташлаш лозим. Жабрланувчини токли қисмлардан ажратишда эҳтиёт чорасини кўриш керак, чунки ёрдам кўрсатаётган кишининг ўзини ток уриши мумкин. Жабрланувчи токдан ажратилгандан кейин бирор тўшама устига ётқизилади, кийим тугмалари, камари ечилади ва тоза хаводан нафас олдирилади, новшадил спирти ҳидлатилади, бетига совуқ сув сепилади, бадани ишқаланади ва иситилади.

Агар жабрланувчининг нафас олиши тўхтаган бўлса у қийналиб нафас олаётган бўлса унга сунъий нафас олдирилади ва юраги уқаланади.

Хулоса

Ҳозирги кунда, республикаимиз ҳудудларида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уни муҳофаза қилишга Ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мухтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан қишлоқ хўжалигидаги ислохатларни чуқурлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳамда замон талабларидан келиб чиқиб, уларга айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосини ташкил этиб, ер ресурсларидан янада самарали ва оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Республика истиқболида ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг барқарорлигини таъминловчи халқ хўжалигининг барча соҳалари каби қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш, модернизация қилиш, аграр соҳанинг долзарб масалалари бўлиб қолмоқда.

Ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, ер тузиш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, ҳисобга олиш ҳамда баҳолашни такомиллаштириш, давлат бошқарув органларининг юридик ва жисмоний шахсларнинг ерлардан фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва оширишни таъминлаш соҳасида фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлашда қуйидаги муҳим йўналишларни ривожлантирилиши лозим:

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш;

- барча ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи юридик ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибда таъминлаш;

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш;

- мутахассисларнинг малакасини ошириш ишларини янада такомиллаштириш ва ер соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш;

- ер соҳасида амалга оширилган ишлар натижаларининг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, ердан самарали ва оқилона фойдаланиш мавзуида соҳадаги мутахассисларнинг билимларини ошириш, улар билан доимий ўқув, амалий семинарларни ташкил этиш;

- замонавий талаблар даражасида ер мониторингини олиб бориш, маълумотларнинг ҳаққонийлигини ва сифатини таъминлаш мақсадида ер тузиш органларини замонавий геодезик ўлчов асбоблари, янги технологиялар ҳамда дастурлар билан таъминлаш;

- автоматлаштирилган ер маълумотлари тизимини яратиш, юритиш ва янада такомиллаштириш;

- ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда иқтисодий рағбатлантириш тизимини яратиш;

- янги технологиялар, илмий ишланмалар, услубий қўлланмаларни ўрганиш мақсадида мутахассисларни хорижий давлатлар билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш;

- мажмуавий равишда ер тузиш, ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унимдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш, ер ҳолатини назорат қилиш (ер мониторинги) стратегик масалаларни ҳал этиш;

- вилоят, туман, шаҳар, қишлоқларни ташкил қилувчи маъмурий-худудий чегараларни жойида аниқлаш, белгилаш ва ўрнатиш ишларини

белгиланган тартибда (чегара белгилари ва хужжатлари асосида) расмийлаштириш;

- ер тузиш ишларини мажмуавий замонавий технологиялар асосида олиб боришни такомиллаштириш;

Бажарилган битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 октябрдаги 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги ва 2006 йил 9 январдаги ПФ - 3709-фармони, 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли қарорлари асосида хўжаликлар тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилган эди. 2008 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Р-3077 сонли фармойишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини ер майдонларини инвентаризациядан аниқ ўтказиш, ер майдонларидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш вазифаси қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг иш юритишни ташкил этилганлиги, техника ва техник воситалар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди. Мавзу юқоридаги фармон ва қарорлар асосида фермер хўжаликлар фаолиятининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми ва шартномавий муносабатлардаги иштироки масалаларига бағишланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997

4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Ўзбекистон, 1998
5. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т. Ўзбекистон, 2009
6. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2011
7. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т. Ўзбекистон, 1997
8. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
- 10.Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т. Шарқ, 1998
- 11.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди,2004
- 12.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
- 13.Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Ғофиров А.Ж. «Ер кадастри» Т.: ТИМИ, 2008.
- 14.Авезбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002
- 15.Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар туплами, 1-2 том, Т.:1997

16. М. Рустамбоев ва бошқ. “Ер ҳуқуқи”. Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002
17. Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т.: 2007
18. Қудратов О., Ғаниев Т. Фавқулудда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.: Янги аср авлоди, 2005
19. Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.: Меҳнат, 2000
20. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
21. Землеустроительное проектирование – 2-е изд. (Учебник и учеб. Пособия для ВУЗов) www.ast.ru
22. Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ. www.prom.kz
23. Управления земельных ресурсов и землеустройства. www.18.rosfirm.ru
24. Управление мониторинга земель, землеустройства и территориального планирования. www.kadastr.ru